



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 127 (8117).

6 июль, 1983 йил

ЧОРШАНБА

Вақоси 3 тийм.



ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислар залида.

А. Горюхин ва Б. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

5 июль куни Тошкентда ўзининг қаҳирини Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси очилди.

Хукумат ложаларида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусаканов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Б. Усмонов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Махмудов, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров ўртоқлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва республика ҳукуматининг аъзолари ўтиришди.

Мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосари депутат ўртоқ С. К. Каниёзов очди.

Сессия қатнашчилари вафот этган депутатлар У. Кучимова, Т. Аҳмедов, А. Юсупов хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат ўртоқ З. Исроилова доклад қилди. Олий Совет мандат комиссиясининг доклады юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари: 1983 йил 6 мартда 314-Совхоз сайлов округидан сайланган М. А. Зондовнинг, 1983 йил 10 апрелда 124-Жданов сайлов округидан сайланган В. Д. Медведениннг ваколатларини тўғри топши юзасидан қарор қабул қилди.

Сессиянинг кун тартиби бир овоздан тасдиқланди: 1. Республикада капитал қурилиши янада яхшилаш ҳамда уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, социал ва маданий-маиший объектларини фойдаланишга топширишни ташкиллаш тадбирлари тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг уй-жой кодекси лойиҳаси ҳақида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат ўртоқ В. К. Михайлов «Республикада капитал қурилиши янада яхшилаш ҳамда уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, социал ва маданий-маиший объектларини фойдаланишга топширишни ташкиллаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан бошланган музокарада депутатлардан Х. Шоғаатов (235-Косон сайлов округи), В. О. Козимов (37-Қорақамий сайлов округи), Х. Отаев (166-Фурқат сайлов округи), Д. Поллопов (494-Тахтақўпир сайлов округи), Н. Р. Ражабов (418-Олтиариқ сайлов округи), Б. Омонов (381-Узун сайлов округи), Н. В. Дуҳанов (172-Саноат сайлов округи), И. Ашуров (311-Янгиқўрғон сайлов округи), В. М. Махмудов (394-Гулистон сайлов округи), Н. Курбонов (130-Бўтақора сайлов округи), З. Т. Мақсумов (80-Пушкин сайлов округи), М. Исмоилова (455-Педагогика сайлов округи), В. И. Поветко (123-Панфилов сайлов округи), Т. Насриддинов (335-Жума сайлов округи), Н. Х. Қўчқоров (258-Марказий сайлов округи) ўртоқлар, Ўзбекистон ССР Сув ҳўжалиги қурилиши Давлат комитетининг раиси ўртоқ Т. Боймиров, депутат ўртоқ Г. Фозилов (402-Октябрь сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Олий Совет «Республикада капитал қурилиши янада яхшилаш ҳамда уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, социал ва маданий-маиший объектларини фойдаланишга топширишни ташкиллаш тадбирлари тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари депутат ўртоқ М. Т. Турсунов «Ўзбекистон ССРнинг уй-жой кодекси лойиҳаси тўғрисида» доклад қилди.

Шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳалари таъйинлаш комиссиясининг раиси депутат ўртоқ Б. И. Пинхасов кўшимча доклад қилди.

Кун тартибининг иккинчи масаласи юзасидан қилинган докладынинг муҳокамасида депутатлардан В. В. Кислов (508-Чимбой сайлов округи), А. Худойқулов (299-Гагарин сайлов округи), М. Р. Азимова (17-Високровольный сайлов округи) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССРнинг уй-жой кодексини яқдиллик билан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат ўртоқ Г. Қ. Хайдарова «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида» доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига ҳавола этилган фармонларини бир овоздан тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари составига ўзгартириш киритилди.

Депутат В. Г. Дуҳанин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари этиб тайинланганлиги муносабати билан у сув ҳўжалиги комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Депутат В. П. Кусенко Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри қилиб тайинланганлиги муносабати билан у қонун лойиҳалари таъйинлаш комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод этилди.

Сессия депутат М. Д. Мухометовни қурилиш ва бинозорлик материаллари саноати комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат В. Д. Медведенин сув ҳўжалиги комиссиясининг аъзоси қилиб сайлади.

Шу билан ўзининг қаҳирини Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишнини тамомлади.

СОВЕТ—ҒАРБИЙ ГЕРМАНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

4 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, СССР муҳофаа министри Д. Ф. Устинов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. А. Костандов билан ГФР Федерал канцлери Гельмут Коль ва федерал канцлер ўринбосари, ГФР ташқи ишлар федерал министри Ганс-Дитрих Геншер ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Амалий ва рўйи-рост руҳда ўтган музокарада депутатлардан СССР билан ГФР ўртасида икки томонлама муносабатлар масаласи ва ҳозирги ҳалқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари муҳокама қилинди.

Совет томони Совет Иттифоқининг ГФР билан муно-

сабатларга принципиал ёндашуви ижтимоий тузумларини турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларига асосланишни уқтириб ўтди. Шунга амал қилиб, СССР билан ГФР 1970 йил 12 августда имзоланган Москва шартномасига таяниб 70-йилларда СССР билан ГФР ўз муносабатларини бир-бирини ҳурмат қилиш, иккинчи жаҳон уруши натижасида ва урушдан кейинги ривожланиш тўғрисида қарор топган территориялар ва Сийёсий реаллини эътироф этиш асосида ўз муносабатларини нормал изга кўчириш йўлида катта иш қилдилар.

Томонлар СССР билан ГФР ўртасида конструктив ҳамкорликни кенгайтиришни ёқлаб чиқдилар, бунинг учун объектив замин борлигини уқтириб ўтдилар.

СССР билан ГФР ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳар икки томонга сезиларли фойда келтираётганлиги ва умуман уларнинг ўзаро муносабатларига ижобий таъсир қилаётганлиги уқтирилди. Бу ҳамкорликнинг янада чуқурлаштириш учун ҳамма зарур нарсалар бор. Бунинг учун мустаҳкам шартномалик-ҳуқуқий база яратилган, шу соҳада анчагина тажриба тўпланган.

Ҳар икки томон иқтисодий алоқаларини амалга оширишда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича СССР ва ГФР комиссиялари фойдали роль ўйнаптилар, деган фикрни билдирди.

Музокара иштирокчилари, шунингдек парламентлар, кассабо союзулари, ёшлар ташмакилотлари ўртасида алоқаларини ривожлантириш, шунингдек фан, маданият, спорт ва туризм соҳасида айрибошлаш керак, деган фикрни билдирдилар.

Халқаро масалаларини муҳокама қилиш чоғида Европада хавфсизлигини таъминлаш проблемасига катта эътибор берилди. Бу проблема Ғарбий Европада, биринчи навбатда ГФР территориясида Американиннг ўртача олисликка учуриладиган ядро қурулини жойлаштириш режалари муносабати билан айниқас кескин тус олмоқда.

Совет томони ГФР ҳукумати ҳозирги вазиятда ўз зиммасидаги масъулиятни ҳисобга олган ҳолда бу масалада тинчлик манфаатларига ва ядро урушининг олдини олишга мувофиқ бўлган реал позицияни ишғол қилди, деб ишонч билдирди.

Фикрлашув чоғида шунингдек Марказий Европада қурули кучларини ва қурулароғларини ўзаро камайитириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокарада доир масалалар, шунингдек Мадрид учрашувидаги ишларнинг аҳоли кўриб чиқилди. Томонлар Мадрид учрашувини тезроқ тугаллаш керак ва Европада ишончли, хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва қурулсизлаштириш чораларига бағишланган конференцияни қаҳирини

керак, деган фикрни билдирдилар.

Г. Коль СССР билан ГФР ўртасида турли соҳаларда муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак, деб айтди. Шу билан бирга у бу муносабатлар яхши кўшнчилик муносабатлари бўлиб, узок муддатга мўлжалланиши лозим, деб таъкидлади. Москва шартномасига, бошқа шартномалар ва битимларга риоя қилиниши, шу муносабатларнинг ўзати бўлмоғи керак.

Г. Коль ГФР ҳукумати тинчлик сийёсати ва куч ишлатишдан воз кечиш сийёсати солиқ эканлигини айтди. Шу билан бирга у ГФРнинг НАТОга мансуб эканлигини таъкидлаб ўтди.

Канцлер Европада ўртача олисликка учуриладиган ракета қурули тўғрисидаги масалага тўхталиб, НАТОнинг «икки ёқлама қарори» хусусидаги маълум далилларни такрорлади.

(ТАСС).

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

5 июль куни Ўзининг қаҳирини Ўзбекистон ССР Олий Советининг еттинчи сессияси ўз ишнини бошлади.

Халқ депутатлари, Ўзбекистон меҳнаткашлари республика давлат ҳокимиятининг олий органига сайланган вакиллар ўзларининг навбатдаги сессиясига кўтаринки руҳ, зўр завқ-шавқ билан тўпландилар. Партия Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми, СССР Иттифоқи Олий Советининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланган саккизинчи сессиясининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзла-

ган программий нутқи сийёсий ва граждандлик активлигини жўш урдириб юборди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сессия арасида бўлиб ўтган пленуми аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг пленумда қилган доклады ҳам сессия қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди. Қабул қилинган қарорда республика партия ташкилотини, Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этиб берилган қондалар ва ҳуло-

саларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалий вазифаларни белгилаб берилди.

Эрталабки мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосари депутат С. К. Каниёзов очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат В. К. Михайлов сессия кун тартибиданги биринчи масала — «Республикада капитал қурилиши янада яхшилаш ҳамда уй-жойлар, ишлаб чиқариш объектлари, социал ва маданий-маиший объектларини фойдаланишга топширишни ташкиллаш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

(Давоми 3-бетда)

Ю. В. АНДРОПОВ Г. КОЛЬ БИЛАН СУХБАТЛАШДИ

5 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Г. Коль билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ю. В. Андропов билан Г. Коль бир-бирлари билан шахсан танишиш ҳамда Совет-Ғарбий Германия муносабатлари ва халқаро вазиятнинг бир қанча принципиал масалалари юзасидан ошкора фикрлашув имкониятидан мамнун эканликларини ихор этдилар.

Ю. В. Андропов канцлер Г. Коль билан вице-канцлер Г.-Д. Геншернинг СССРга келганликларини табриқлади. Совет Иттифоқи ГФР билан муносабатларга биринчи даражали аҳамият беради, деб таъкидлади. 1970 йилги Москва шартномаси тузилган пайтдан бери Совет Иттифоқини билан ГФР ўз ўрталаридаги яхши муносабатларини ривожлантиришнинг катта ва самарали йўлини босиб ўтидилар. Совет раҳбарлари бу муносабатлар келгусида ҳам ижобий йўлдан ривожланиб бериши тарафдоридилар, бу нарсга иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, бутун Европа манфаатларига ва ялпи тинчлик ишига мос бўлиб тушган бўлур эди.

Шу муносабат билан, деди Ю. В. Андропов, Европада ядровий қуруланишнинг поғизининг олдиндан айтиб бўлмайдиغان оқибатларга олиб бориш хавфини тугдирадиган янги даврасига йўл қўймаслик тўғрисидаги масала алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда гап НАТО блокнинг Европадаги стратегик вазиятни СССР ва унинг иттифоқчилари ҳаётини манфаатларига зарар келтирадиган тарзда тубдан ўзгартиришга уринаётганлиги тўғрисида бормоқда. ГФРнинг территориясини Американиннг биринчи бўлиб зарба урадиган ҳамда Совет Иттифоқини ва унинг иттифоқчиларини нишонга олиб турган ядровий ракеталари учуриладиган майдончага айлантириш белгилаб қўйилган. Аслида бу нарсга немислар диёрдан СССРга қарши уруш бошлаш хавфини яна келтириб чиқаришни билдирган бўлур эди.

Совет Иттифоқи ижобий натижаларга эришишга астойдил истак билан Европада ядро қурули масаласи юзасидан АҚШ билан музокара бошлади. Биз тенглик ва баббаравар хавфсизлик принциплари қатъий риоя этилган ҳолда Европадаги ядровий қаршима-қарши турли даражасини кескин қисқартиришга интилаётимиз. СССР музокарада ўз шерикларининг музокара-заларини эътиборга олиш, иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олувчи ўзаро мақбул битимга келиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Аммо АҚШнинг позицияси НАТО мамлакатларини ихтиёридаги ўртача олисликка учуриладиган ядро қурули аслахоналарини дахлсиз сақлаб қолди, Совет Иттифоқининг бир ўз қурулсизланишини талаб қилишдан иборат. Биз, жумладан, Англия билан Франциянинг шу классга мансуб бўлган ва бизга қарши қаратиб қўйилган анчагина миқдордаги ядро қурулини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас.

АҚШ мамлакатимиз ичкарисидаги объектларга зарба ура оладиган ядро қурулини СССРнинг бикинига жойлаштириб қўйиб, монополияни мавқенин ағдаллаштириш кузламоқда, америкача логикага биноан эса, СССРнинг АҚШ яқинидаги бирон бир жойда шунга яра-

ла потенциал бўлмаслиги керак эмиш, албатта.

НАТО мамлакатларининг сийёсатчилари гўё Американиннг янги-янги ракеталари Ғарбий Европада келтирилганидан кейин СССР Женевада ён беришга мажбур бўлади, деб доимо такрорламоқдалар. Бу — ҳаддан ташқари хатарли янглишидир. Агар иш шу ракеталарни жойлаштиришга бориб етadиган бўлса, биз ўз позицияларимиздан қайтиш, ўз мудоаамизни заифлаштириш бир ёқда турсин, балки СССР ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигини муҳофаза қиладиган самарали жавоб чораларини ўз вақтида кўриб қўямиз.

ГФР ўз диёрида Американиннг ракеталарини жойлаштиришдан, бизнинг жавоб чораларимиздан, Европа марказини оммавий қирғин қурулини ҳама турларига қаллаштириб ташлашдан қандайдир манфаат кўришни умид қилаётганлиги Совет Иттифоқига ҳеч тушунарли эмас, — деди Ю. В. Андропов.

Ишларнинг ҳозирги аҳоли шариоатида Совет Иттифоқининг Европа зонасидаги ўртача олисликка учуриладиган ракеталари — НАТО мамлакатларининг шу зонадаги ўртача олисликка учуриладиган ядровий воситаларига бас кела оладиган воситаларидир, холос. Бу ракеталар ГФРнинг қурули кучларига қарши қаратилган эмас. Аммо Ғарбий Германия ерида Америка ракеталари жойлаштирилган бўлса, вазият ўзгаради. ГФР учун уруш хавфи бир неча баравар кўпаяди. Иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларнинг муайян чигаллашуви ҳам муқаррар бўлиб қолади. ГФР ва ГДРдаги немисларга келганда, улар кимдир яқинда айтганидек, бир-бирларига қалин ракетазорлар орқали қарашларига тўғри келиб қолади.

Европада ўртача олисликка учуриладиган ядро қурулини қўпайтириш ўрнига уни анча қисқартириш ва шу тариқа қитъамиздаги ва бутун

дунёдаги вазиятни кўч даражада соғломлаштириш учун иккала томоннинг қонуний манфаатларини ҳисобга олади эришиш учун ҳозирги бор имкониятдан фойдаланиб қолган яхши эсамиз? Ракеталарни жойлаштиришга ҳозирча киришилмаган пайтда битимга келиш имконияти бор. Канцлер Кольнинг ГФР ҳукумати Совет Иттифоқининг хавфсизлик соҳасидаги тарихий сабаблар тақозо этган ахтирларини тушуниб турибди, деб берган баёнотида Совет Иттифоқида эътибор билан қаралди. Бу сўзлар ГФРнинг амалий сийёсатида ўз ифодасини топса, иккала мамлакатимиз учун ҳам, Европадаги тинчлик иш учун ҳам жуда яхши бўлур эди.

Совет томони ошкоралик билан ҳолис ниятни, тинчлик ва яхши кўшнчилик манфаатларини кўзлаб ҳамкорлик қилишга таъйидини бирга кўшиш ҳамжиҳатликка эришиш йўли деб билади, деди Ю. В. Андропов.

Канцлер Г. Коль суҳбатнинг ошкора руҳини юқори баҳолади, ўзи бошчилик қилган ГФР ҳукуматининг Совет Иттифоқи билан тинчлик ва яхши кўшнчилик муносабатларини давом эттиришга, Германия Федератив Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни янада амалий тарзда ривожлантиришга интилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, у НАТО блоки раҳбар доираларининг Ғарбий Европа бир қанча мамлакатлари ва аввало ГФР территориясида Американиннг янги ракеталарини жойлаштириш масаласи хусусидаги маълум позициясини такрорлади.

Ю. В. Андропов билан Г. Коль бир қанча муҳим масалалар хусусида томонларнинг позициялариданги тафовутларга қарамай, ошкора фикрлашиб олинганлиги фойдали бўлди, деган бир фикрга келдилар. Улар келгусида бир-бирлари билан алоқа боғлаб туриш ҳақида келишиб олдилар.

Ю. В. Андропов билан Г. Коль нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари диққат билан тингланб, қарсаклар билан кутиб олинди.

(ТАСС).

ГФРЛИК МЕҲМОНЛАР ШАРАФИГА

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 4 июлда Катта Кремль саройида Г. Коль ва Г.-Д. Геншер шарафига эътифод берди.

Эътифотда Совет томони — Н. А. Тихонов, Г. А. Алиев, Н. А. Громико, Д. Ф. Устинов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Дўстона вазиятда ўтган эътифот чоғида Н. А. Тихо-

нов ва Г. Коль нутқ сўзладилар. Уларнинг нутқлари диққат билан тингланб, қарсаклар билан кутиб олинди.

(ТАСС).

УЧРАШУВ БЎЛДИ

5 июль куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари,

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ГФР вице-канцлери, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан учрашди.

Икки томонлама муносабатларда доир масалалар, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар кўриб чиқилди.

(ТАСС).

(Давомн 4-бетда)

